



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI  
130500 Do'stlik shahri, Armasoy shoh ko'chasi.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO 'G 'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA  
№ 2737**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** 6-sonli pudrat shartnomasi

**Loyihaning mazmuni:** Do'stlik tumani Xalq ta'limi bo'limi mudiri Z.Ortiqova va «Bahor shop» MChJ rahbari I.Davronov o'rta qarashli 17-son umumiy o'rta ta'lim maktabi binosini joriy ta'mirlash yuzasidan ishlab chiqilgan 14.06.2022 kungi qiymati 95.737.500 so'mlik pudrat shartnoma loyihasi.

3. **Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot:** Do'stlik tumani Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yilming 13-iyun kum ishlab chiqilgan.
4. **Loyiha kelib tushgan sana:** 2022-yil 13-iyun kuni Markazga elektron tizim orqali yuridik xulosa olish maqsadida taqdim etilgan.
5. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.**

**Markaz boshlig'i,  
2-darajali yurist**



**U.A.Abdiyev**

14.06.2022-yil

## № 6-сонли пудрат шартномаси

Дүстлик туман

“14“ июн 2022 йил

Дүстлик тумани халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан бюджет асосида фаолият юритувчи раҳбари З.Ортикова Бахор шоп МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари И.Х.Давронов мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган куйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:  
Дүстлик тумани халқ таълими бўлимига қарашли 17 мактаб жорий таъмирлаш ишларини сифатли бажариш учун.

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил « 30 » июнга қадар пудратчига зарурий лойиха-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичидаги оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % ишларни амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

### 3. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани түгрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичидаги текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

#### 3.2. Пудратчи куйидаги хукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хукукига эга.

#### 3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳакида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичидаги ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошка камчиликлар аниқлангандан, булар ҳакида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳак тўлаш.

#### 3.4. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:

3.4.1. Ҳар кандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганилиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар кисмига мутоносиб кисмини пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор килиниши туфайли етказилган заарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

#### **4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ**

4.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда "Томонлар" коррупцияга қарши курашиш бўйича коидаларга, шу жумладан амалдаги конунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги хамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар кабул килинишини кафолатлади.

4.2 "Томонлар" коррупцияга қарши коидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта оркали) ёки телефон оркали бирбирини хабардор килиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холатга ойдинлик киритиш максадида ёзма изоҳ талаб килиш хукуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

4.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион холатни пасайишига олиб келмаса, бошка томон шартномани бекор килиш хукуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб кўйиши мумкин.

4.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор килиш талаб килган томонга етказилган заарларни қоплаш конунчиликда кўрсатилган тартиба амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор килиниши оқибатида кўрилган заарлар қоплашни талаб килишинга хакли эмас.

#### **5. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби**

5.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 95 737 500 (Тўксон беш милион етти юз ўттиз етти минг беш юз) сўм маблагни ташкил килади.

5.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

#### **6. Тарафларнинг жавобгарлиги**

6.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 0,4 % миқдорда жарима ва ҳар бир кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6.2. Бажарилган ишлар хақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

6.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи фуқаролик конунчилиги меъёрларига мувоғик кўлланади.

6.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

#### **7. Фор-мажор холатлари**

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошка табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

7.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид карорлари ёки бошка ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик килиши тўғрисида бошка тарафга имкон кадар тезда хабар бериши лозим.

#### **8. Низоларни ҳал этиш тартиби**

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон кадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят хўжалик судида кўриб чиқишига топширадилар.

## 9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгаришилар ёзма равиша расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳакикий кучга эга бўлади.

9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заرارларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

9.4. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларнинг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги карори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тутатилмаган курилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

9.6. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10. Яқуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгаришиш ва қўшимчалар, улар факат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Ғазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳакикий хисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

## 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

### «Ижрочи»

#### Бахор шон МЧЖ

(Пудратчи ташкилот номи)

Х/Р 2020 8000 3051 1993 0001

Банк: Халқ банк Жиззах филиали

СТИР: 306 698 986

МФО: 00676

ОКОНХ:

Рахбар  
(лавозим)



И.Х.Давронов  
(Ф.И.Ш)

### «Буюртмачи»

#### Дўстлик тумани ҳалқ таълими бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Дўстлик тумани У.Носир кўчаси 15 уй  
ш/х\* 100022860082157092100075023

Банк номи: Тошкент ш Марказий банк Бош  
Бошқармаси

МФО: 00014 СТИР: 200999341

ОКОНХ:

Дўстлик туман Ғазначилик бўлинмаси  
Ўз.Рес. Молия вазирлиги ягона Ғазна хисоб вараги  
Фазна х/в: 23402000300100001010

МФО: 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201 122 919

Рахбар  
(лавозим) 3.Ортикова  
(Ф.И.Ш)





«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Дўстлик тумани махалла ва  
нуронийларини кўлиб куватлаш  
3.Ортикова  
«13» июндаги 2022 йил.

Дўстлик туман халқ таълими бўлимига қарашли бюджет маблағлари ҳисобидан лойиха смета хужжатлари  
асосида Дўстлик тумани халқ талими бўлимига қарашли 17-мактаб жорий таъмирлаш танлов ўтказиш  
комиссиясининг

### ЙИФИЛИШ БАЁННОМАСИ № 5

2022 йил “13” июнь

Дўстлик тумани.

#### Куи тартиби:

Ахборот парталига жойлаштирилган элон тўғрисида маълумот

1. Элон берилган сана: 03.06.2022 йил
2. Берилган элон тартиб рақами: 221100298785
3. Буюртма предмети: Дўстлик тумани халқ талими бўлимига қарашли 17-мактаб жорий таъмирлаш
4. Ўлчов бирлиги: обект
- 5. Бирлик нархи: сум
6. Берилган миқдори: 1
7. Элон берилиш нархи: 96 588 524

Дўстлик тумани халқ талими бўлимига қарашли 17-мактаб жорий таъмирлаш.

Дўстлик тумани халқ талими бўлимига қарашли 17-мактаб жорий таъмирлаш, ишлари бўйича 2 кун  
мобайнида комиссия аъзоларига ва Дўстлик тумани халқ талими бўлими хеч қандай шикоят ва етиrozлар  
келиб тушмади. «Бахор шоп» МЧЖ томонидан Дўстлик тумани халқ талими бўлимига қарашли 17-мактаб  
жорий таъмирлаш, бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилилган ва бу  
талағор танлов галиби деб топилган.

Э.Хамраев-

И.Абдуғаффоров-

М.Қувондиқов-

Д.Давлетов-

А.Зиёдуллаев-